ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН** УЧУН!

31-oktabr
2024-yil 44 (1 094)

O‘ZLIDEP

AXXRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

MSK da:

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловини кузатиш миссияси вакиллари Тошкентда ўз ишини якунлади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссиясида ЕХҲТ ДИИҲБ миссияси раҳбари Уэйк Дуглас Брюс, унинг ўринбосари Иоанну Димитра, сайловлар бўйича таҳлилчи Тейлор Крис Жон иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

ТАҲЛИЛ

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА:

ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ЗИММАГА ОЛИШ САМАРАСИ



Қизғин кураш ва кучли рақобат шароитида ўтган навбатдаги сайловлар ҳам ниҳоясига етди. O‘zLiDePнинг электорат ишончини оқлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ўзининг амалий натижасини берди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси бошқа сиёсий кучларга нисбатан катта устунлик билан ғалаба қозонди.

Парламент қуйи палатаси депутатлари сайлови бўйича бир мандатли 75 та сайлов округининг 38 тасида O‘zLiDePдан кўрсатилган номзодлар кўп овоз олишга эришган бўлса, ягона сайлов округи бўйича 75 та депутатлик ўрнининг 26 таси маслакдошларимизга насиб этди. Шундай қилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги жами 150 та депутатлик ўрнининг 64 таси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига тегишли бўлди.

Бу – мамлакат парламентида мутлақ кўпчилик, энг йирик фракция дегани. Муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилишда сезиларли даражадаги устунлик дегани.

3

ДЕПУТАТЛИК САЙЛОВИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

2024 йил 27 октябрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз тарихида илк бор парламент сайлови аралаш – мажоритар ва пропорционал сайлов тизими асосида ташкил этилди.

28 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев иштирокида сайлов якунининг дастлабки натижалари бўйича брифинг бўлиб ўтди.

Унда маълумот берилишича, 15 миллион 27 минг 529 нафар сайловчи ёки жами сайловчиларнинг 74,72 фоизи овоз беришда иштирок этди.

SAYLOV 2024 27-OKTABR

Qonunchilik palatasi saylovi natijalari
(Yagona saylov okrugi)

MSK

Siyosiy partiya		To‘plagan ovozlar soni	To‘plagan ovozlar (foizda)	O‘rinlar soni
O‘zLiDeP	O‘zLiDeP	5 194 041	34.75%	26
O‘zMTDP	O‘zMTDP	2 812 493	18.82%	14
O‘EP	O‘EP	1 960 764	13.12%	10
XDP	XDP	2 558 016	17.11%	13
ADOLAT	“Adolat” SDP	2 420 857	16.20%	12
Jami:				75

4



ИНСОН ҚАДРИ ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИК

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ САЙЛОВИ РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ САЙЛОВ КОДЕКСИГА МУВОФИҚ, ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛГАН ҲОЛДА, ЮҚОРИ КАЙФИЯТДА ВА ЎЗГАЧА ШУКУҲДА ЎТДИ. АЙНИҚСА, ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН НУРОНИЙЛАРНИНГ САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИГА ЎЗЛАРИ КЕЛИБ ОВОЗ БЕРГАНИ ЁШЛАРГА ИБРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ.

ҚАШҚАДАРЁ

Сиёсий фаоллик ва ҳамжиҳатликда

Қашқадарёда 1 миллион 872 минг 564 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 37 минг 614 нафарини овоз беришда илк бор қатнашган навқирон авлод вакиллари ташкил этди.





– Муҳим сиёсий жараёнда ҳар бир овоз мамлакат келажагига дахлдорлиги билан долзарб аҳамият касб этади, – **деди O‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Шуҳрат Асланов.** – Шу боис миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг манфаатлари давлат органларида тўлақонли ифодаланишини таъминлайдиган адолатли, шаффоф сайлов тизими яратилган. Бу йилги сайловлар мутлақо янги форматда, янгича талаблар асосида, дунёнинг энг илғор давлатларида қўлланиб келинаётган можаритар ва пропорционал тартибда ўтказилгани диққатга сазовор. Воҳада уюштирилган бу йилги сайловолди тарғибот тадбирларида 125 минг 60 нафар аъзоларимиз, партия фаоллари, маҳаллий кенгашлардаги вакиллар, волонтёрларимиз билан фаол қатнашиб, қонунчиликдаги барча имкониятлардан тўлиқ фойдаландик. Парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этаётган сиёсий партиямизнинг сайловолди дастури ҳамда депутатликка номзодларнинг тарғибот-ташвиқот жараёнлари ҳолини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилдик.

Сайловни кўтаринки руҳда ва ҳамжиҳатликда ташкил этиш учун сайлов комиссиялари, сайлов штаблари аъзоларининг билими, малака ва кўникмасини ошириш мақсадида сиёсий ўқувлар ташкил этилди. Вилоят миқёсида жами 1 038 та сайлов участкаси тузилган бўлса, шундан 32 таси янгидан шакллантирилди. 3 096 нафар участка комиссияси раиси, уларнинг ўринбосари ва котиблари сайлов қонунчилиги бўйича ўқитилди. Вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та, туман (шаҳар) кенгашларига сайлов ўтказувчи 400 та сайлов округи тузилди. Сайлов участкаларини жиҳозлаш ва сайловчилар учун қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир сайлов участкаси белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозланди, зарур мебел, офис техника воситалари, номзодлар ҳақидаги маълумотлар, кўргазмали воситалар билан тўлиқ таъминланди.

– МДҲ Парламентлараро ассамблеяси кенгаши, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси каби халқаро ташкилотлардан бириктирилган узоқ муддатли халқаро кузатувчилар вилоятга келиб, сайлов жараёнлари билан яқиндан танишдилар, – **дейди вилоят ҳудудий сайлов комиссияси раиси Ўрол Остонов.** – Қонунчилик палатасига сайлов илк бор аралаш тизим асосида ўтказилиши, депутатликка номзодлар орасида аёллар улуши 40 фоизга етгани демократик ислоҳотларнинг муҳим босқичи экани қайд этилди. E-saylov электрон ахборот тизими жорий этилиши мазкур муҳим сиёсий жараён шаффофлигини таъминлаш, фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этиши ва жараённи назорат қилиши учун кенг имконият яратиб, тадбир халқаро стандартга мувофиқ ўтишига хизмат қилди.

Маҳаллаларга бириктирилган ходимлар ҳамда комиссия аъзолари томонидан ногиронлиги бор шахсларга ўз фуқаролик ҳуқуқидан эркин фойдаланиши учун кенг шароитлар яратилди. Ногиронлиги бўлган шахслар учун яширин овоз бериш кабиналари, аравачалардан фойдаланувчилар учун эса мослаштирилган пандуслар, кўриш имконияти чекланганлар брайль алифбосида тайёрланган бюллетенлар билан таъминланди. Қизғин жараён давомида сайлов участкасига келолмайдиган, ҳаракатлана олмайдиган кишиларнинг хонадонларига комиссия аъзолари боришиб, сайлов ҳуқуқидан тўлақонли фойдаланишлари учун кўмак кўрсатишди. Жисмоний ҳаракати чекланган сайловчиларнинг имкониятини эътиборга олган ҳолда биноларда нишаб йўлаклари ташкил этилди. Бундай шароит бўлмаган айрим сайлов участкаларида эса чақирув тугмаси ўрнатилди.

– Кейинги йилларда мамлакатимизда кекса авлод вакилларига бўлган эътибор ва ғамхўрлик минг чандон ошди, – **дейди Қарши тумани Кат маҳалласида яшовчи 93 ёшли Баҳор бобо Боймуродов.** – Айниқса, биз каби нуронийларнинг ҳар йили бепул тиббий кўрикдан ўтказилаётгани, шифохона ва сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклашлари, юртимиз бўйлаб саёҳат қилишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар таҳсинга лойиқ. Мен бугун эрта тонгда 1002-сайлов участкасига келиб, эл бахти ва юрт равнақи йўлидаги ислоҳотларнинг бардавомлиги учун муносиб номзодларга овоз бердим. Ишонаманки, биз сайлаган депутатлар бундан буён янада фаолроқ бўлишиб, сайловолди дастурларидан ўрин олган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш, халқимизни қийнаётган муаммоларни бартараф этишда жиддий жонбозлик кўрсатишади.

Бир сўз билан айтганда, Қашқадарёда ўтказилган сайловлар кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, миллий қонунчилигимиздаги янгиликлар фуқароларнинг тенг сайлов ҳуқуқи ва овоз бериш шаффофлигини кафолатлаган ҳолда ҳар бир овоз мамлакат келажагига дахлдор экани, фуқароларнинг манфаатлари давлат органларида тўлақонли ифодаланишини таъминлайдиган адолатли, очиқ сайлов тизими яратилганининг ёрқин кафолати бўлди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ЖИЗЗАХ

Менинг танловим – обод Ватаним

Сайлов Жиззахда ҳам жуда кўтаринки руҳда ўтди. Очиқлик, ошкоралик ва адолат принциплари асосидаги мазкур жараёнлар кўламини вилоят ҳудудий сайлов комиссияси тақдим этган маълумотлар ҳам кўрсатиб турибди.

Вилоятда 553 та сайлов участкаси ташкил этилди. Сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови учун вилоят бўйича 798 756 сайловчи рўйхатга олинди. Уларнинг 379 521 нафарини эркаклар, 416 027 нафарини аёллар, 30 фоиздан кўпроғини ёшлар, 3 фоиздан ортиғини 70 ёшдан ошган кексалар ташкил этди.



Вилоят бўйича 6 993 нафар сайловчи муддатидан олдин овоз берди. Дарвоқе, 2023 йилги референдумда муддатидан олдин овоз берганлар сони 6 524 нафарни ташкил этган эди. “Менинг танловим – обод Ватаним!” шиори остида ўтган сайловда жиззахликларнинг фаоллиги яққол сезилиб турди.

– Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, – дейди 100 ёшни қаршилаётган бахмаллик Маллабек ота Муҳаммадиев. – Бир умр ўқитувчилик қилиб, ёшларга таълим-тарбия бердим. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайловолди дастурида таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги мақсад ва вазифалар менга жуда маъқул бўлди. Партиядан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаб овоз бердим.

Мирзачўл туманидаги 376 ва 380-сайлов участкасида ёш келин-куёвлар конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиб, овоз бериш жараёнида иштирок этишди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, имконияти чекланганлар, кексалар, беморлар ва овоз бериш биносига бора олмайдиган сайловчиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, зарур шароит яратилди. Мисол учун, Фориш тумани Дўстлик маҳалласида яшовчи 93 ёшга кирган Рўзи Маликов бетоблигидан сайлов участкасига кела олмади. Участка сайлов комиссияси аъзолари унинг хонадонига бориб, конституциявий ҳуқуқидан фойдаланишларига кўмаклашишди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

БУХОРО

Ғалвир сувдан кўтарилди

Бухоролик сайловчиларнинг кўпчилиги 27 октябрда ўтказилган сайловда O‘zLiDeP ва унинг номзодларини тўла қўллаб-қувватладилар. “Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун!” шиори остида парламент қуйи палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодларнинг вилоят сайловчилари билан қизғин учрашувлари, воҳадаги шаҳар ва туманлар бўйлаб кезган тарғибот автокарвонининг ташвиқотлари партия тарафдорларининг кўпайишига хизмат қилди.



Вилоятдаги сайловчилар қатори қоракўлликлар ҳам O‘zLiDeP сайловолди дастури бугун мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг, янги-янги ғоялар билан тўлалигини эътироф этиб, партия номзодларига якдиллик билан овоз беришганларини таъкидладилар. Депутатликка номзодлар, партия масъуллари, ёшлар ва волонтёрлар бир ойдан кўпроқ вақт давомида кенг жамоатчилик вакилларига етакчи партиянинг сайловолди дастури мазмун-моҳиятини тушунтириб, буклет ва флайерлар тарқатдилар.

Шундай тарғибот тадбирлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам уюшқоқлик билан ташкиллаштирилди. 24 октябрь куни эса партиянинг сайловолди шиорлари билан безатилган тарғибот автокарвони нафақат Қоракўл, балки Олот, Жондор, Ғиждувон, Когон, Бухоро тумани ва шаҳри деҳқон бозорлари, таълим муассасалари, тадбиркорлик субъектлари, марказий кўчалари бўйлаб ҳаракатланди. “Эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!”, “Биргаликда биз кучмиз”, “Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун!” шиорлари билан безатилган майдонларда бўлиб, сиёсий тузилмамизнинг барча тарафдорларини бўлажак сайловда фаол иштирок этиш, номзодлари учун овоз беришга даъват этди.

Сайловдан кейинги теран мулоҳаза эса эндиликда ҳар қачонгидан кўра аниқ. Ваъда эмас, натижанинг, эртага эмас, бугуннинг амалдаги ифодаси ва кутилган самарасига эришилишига ишончимиз комил.

Асҳор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

САМАРҚАНД

Якдиллик билан

Мамлакатдаги демократик ислоҳотлар инъикоси ўлароқ, жорий йилги сайловлар мутлақо ўзгача форматда, замон билан ҳамнафас ўтди, десак муболаға бўлмайди. Шу маънода, Самарқанд вилоятида бу жараён ғоят самарали кечди.



Маъмурий-ҳудудий бирликдан келиб чиққан ҳолда вилоятда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 8 та, Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та ҳамда туман(-шаҳар) кенгашлари учун 410 та сайлов округлари ташкил этилган эди.

Шунингдек, кексалар, беморлар, кўзи ожиз ва бошқа ногиронлиги мавжуд шахсларнинг сайловда қатнашиб, ўз қонуний ҳуқуқларидан тўла фойдаланишлари учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилди.

Мамлакат тарихида илк бор – можоритар ва пропорционал шаклда ўтган сайловда O‘zLiDeP можоритар тизим бўйича 8 та округдан 5 нафар, пропорционал сайлов тизими бўйича қирқ фоиз кўрсаткич билан юқори натижани қайд этди. Вилоят ҳудудий сайлов комиссияси матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашига 60 та округда O‘zLiDePдан кўрсатилган номзодлардан 16 нафари депутат этиб сайланганлиги маълум қилинди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу сайловда Самарқанд аҳлини, қолаверса бутун Ўзбекистон халқининг бирдамлиги, иродаси яна бир бор бўй кўрсатди.

O‘zLiDeP Самарқанд вилояти кенгаши матбуот хизмати

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА:

ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ЗИММАГА ОЛИШ САМАРАСИ

◀◀*Бошланиши 1-саҳифада.*

Электорат вакиллари партия ғояларининг ҳаётийлигини, Сайловолди дастурида илгари сурилган таклиф ва ташаббусларни эътироф этганининг тасдиғидир бу. Миллионлаб сайловчиларнинг “Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун!” умумий даъватига таянган ҳолда амалга оширилаётган ишлар пировардида фаровонликка элтишига ишонганининг далилидир бу.

Хўш, O‘zLiDeP нималар ҳисобига рақобатчиларини ортда қолдирди? Мақтовга арзигулик ютуқ замирида қандай омиллар мужассам? Янги сайлов тизимида ўтказилган бу галги сиёсий жараёнларда партия қандай технологиялардан фойдаланди? Тарғибот тадбирларида қуруқ расмиятчиликдан воз кечиб, самимий мулоқотга кўпроқ урғу берилиши нечоғли аҳамият касб этди? Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, инновацион ташвиқотга эътибор кучайтирилгани ўзини оқладими?

Қуйида ана шундай саволларга чуқур таҳлил ва таққос асосида аниқ жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Аввалги сайловлардан то ҳозиргисига қадар ўтган даврда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва парламентдаги фракцияси, ҳудудий бўлинмалар ва бошланғич ташкилотлар томонидан эътибор қаратилган устувор йўналишлар хусусида атрофлича сўз юритамиз. Янги замонда янгича услубларни қўллаётган “Ёшлар” ва “Аёллар” қанотлари интилишидаги ҳал қилувчи жиҳатларга, ноёб ва таъсирчан топилмаларга назар ташлаймиз. Шу аснода музаффарлик манзилини тобора яқинлаштирган жонли фаолиятнинг ўзига хос қирралари намоён бўлиши табиий, албатта.

Якшанба кунги воқелик МСК рақамлари талқинида

Бу йил мамлакатимиз тарихида биринчи марта аралаш сайлов тизими синовдан муваффақиятли ўтди. Мазкур янгиликнинг жорий этилиши сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни ҳар қачонгидан-да кучайтириб, жамиятдаги демократик муҳитга бамисоли қувват бағишлагани сайловолди ташвиқоти давомида яққол намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар кенгашларига сайловни 850 дан ортиқ хорижий кузатувчилар бевосита кузатиб боргани эътиборга лойиқ.

27 октябрь куни сайлов жараёнини реал вақт режимида (онлайн) видеотрансляция қилиш мақсадида юртимиз ҳудудларидаги тегишли техник талабларга мувофиқ бўлган сайлов участкаларида видеокамералар ўрнатилди.

Мазкур сайловларнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – сайловчиларнинг фуқаролик масъулияти, изчил ислоҳотларга дахлдорлик туйғусининг янада ошганлиги билан боғлиқ. Буни жами 15 млн 27 минг 529 нафар сайловчи овоз бергани ҳам кўрсатиб турибди. Бу эса овоз берган сайловчилар умумий сонининг 74,72 фоизидан иборатдир. Ҳатто ривожланган давлатларнинг ҳаммаси ҳам бундай кўрсаткичга эришиши даргумон.

Марказий сайлов комиссияси маълумотларга кўра, ягона сайлов округи бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови натижалари бўйича O‘zLiDeP **5 млн 194 минг 41** та ёки **34,75** фоиз овоз тўплади.

Иккита сайлов тизими бўйича, яъни депутатликка номзодларга ва партияларга берилган овозлар бўйича Қонунчилик палатасига сайланган жами 150 нафар депутат таркибининг партиявий мансублиги қуйидагича бўлди:

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан – 64 та ўрин ёки 42,7 фоиз, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан – 29 та ўрин ёки 19,3 фоиз, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан – 21 та ўрин ёки 14 фоиз, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан – 20 та ўрин ёки 13,3 фоиз, Ўзбекистон Экологик партиясидан – 16 та ўрин ёки 10,7 фоиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайлов демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш, ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга эришиш йўлида халқимиз аҳиллик, ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилаётганини яна бир бор намойиш этди.

Янгиликка асосланган либерал ғоялар – тараққиёт таянчи

“Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиий. Бу кимгадир ёқадими ёки йўқми, халқимиз жадид боболаримиз кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бориши керак. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир”.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ибратли фикрни 2023 йилнинг декабрида Республика Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида барча-барчамизга алоҳида уқтирган эди. Мазкур фикрнинг бугунги сиёсий жараёнларга алоқаси Ўзбекистон Либерал-демократик партияси “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тўлиқ амалга ошириш масъулиятини зиммасига олган етакчи сиёсий кучлигига бевосита боғлиқ. Модомики, XX аср бошида шаклланган жадидлар ҳаракатининг ҳам, XXI аср бошида сиёсий майдонга чиққан O‘zLiDePнинг асосий ғоялари ҳам янгиликка интилишдан, масалалар ечимига инновацион ёндашишдан, догматик дунёқарашни креатив мулоҳаза юритишга айлантиришдан, элу юртни тараққиётга бошлашдан, ёшларни азму шижоатга ундашдан иборат.

Эргашувчи эмас, эргаштирувчи мақомини янада мустаҳкамлаш орқали Ватан равнақи учун камарбасталик қилиш, демократик жараёнларда рақобатчилардан ҳамиша бир қадам олдинда юриш – бош мақсаддир.

Жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий жамоатга қарата “Тўғрисини айтмагунча ишлар тўғриланмас” дея мурожаат қилган бўлса, O‘zLiDeP ҳар бир инсонга, энг аввало, қулай атроф-муҳитга эга адолатли давлат керак, деган ғояни ўз Сайловолди дастурида илгари сурди.

Абдулҳамид Чўлпон “Ол байроғингни, қалбинг уйғонсин. Қур янги давлат, ёвлар ўртансин!” дея даъват қилган бўлса, O‘zLiDeP халқ хизматидаги замонавий давлатни барпо этиш вазифасини Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойилларидан бири сифатида кўрмоқда. Ва оташин жадид наздидаги музаффарлик туғини очиқ ва ошкора кураш майдонида бошқа сиёсий кучларга бой бермаслик учун шаҳдам ҳаракат қилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилги сайловларда O‘zLiDePнинг ғолиб бўлгани ана шундай кучли пойдеворга таянгани туфайлидир. Чунки, партиянинг электоратга таклиф этган лойиҳалари ҳаётий, ташаббуслари жўяли. Уларнинг ҳар бири аниқ натижага хизмат қилиши билан катта-ю кичикнинг эътиборини тортди. Шунинг учун аксарият сайловчилар либерал-демократлар учун овоз берган табиий.

Жадидлар “Онам тили, отам уйи, болам орзусини ҳеч кимга бермайман!”, деган улуғ ният билан ЯНГИ КУЧ сифатида майдонга чиққан эди. Улар “Тилда, фикрда ва ишда бирлик!” даъватини ўз фаолиятининг асосий мақсади этиб белгилаган эди. O‘zLiDeP эса **СЎЗИ ВА ИШИ БИР** партия сифатида кучли рақобат остидаги сайловларга киришди. Очиқ ва кескин кураш жараёнида ўз электоратига суянган ҳолда худди жадидларга уйғун равишда **“БИРГАЛИКДА БИЗ КУЧМИЗ”** шиорини баланд кўтариб ҳаракат қилди ва электорат ишончини қозонди.

– Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар юртимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди, – дейди сайлов натижалари эълон қилинган куни биз билан мулоқот чоғида **O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов.** *– Айниқса, кейинги йилларда халқимиз турмуши юксалиб, қишлоқ, маҳалла, туманларимиз обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир инсон бу каби тарихий ўзгаришларни ўз ҳаётида, яшаётган маҳалласи, қишлоғи, овулида теран ҳис қилмоқда. Бундай янгиланишлар жаҳон ҳамжамиятининг ҳам эътиборини тортмоқда. Нуфузли халқаро молиявий-сиёсий ташкилотлар, таниқли сиёсатчилар ўзининг холис ва ижобий баҳосини бермоқда. Мана, масалан, сайлов арафаси ва овоз бериш куни Ўзбекистонда бўлган мингга яқин чет эллик экспертларнинг деярли ҳаммаси шундай фикрларни билдирди.*

Демократик ислоҳотлар натижасида сайловларда фикрини эркин айта оладиган, ижтимоий фаоллашган, бир сўз билан айтганда, очиқ ахборот маконидан фойдаланаётган сайловчилар қатлами шаклланган эндиликда манаман деб бўй кўрсатиб турибди. Бунга, наинки, ҳавас қилувчилар кўпайгани, ҳатто ҳасад қилаётганлар борлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Маълумки, сайловчилар ўз манфаати, бирор-бир масалага муносабатини мамлакатдаги сиёсий партия, унинг ғоя ва мақсадларини қўллаб-қувватлаш орқали билдиради. Шундан келиб чиқиб, кечаги сайловда O‘zLiDeP, энг аввало, 1 миллион 600 мингдан зиёд аъзоларига, асосий ғояларига хайрихоҳ яна кўплаб юртдошларимизга таяниб улкан ютуққа эришди, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Асосий тиргаклардан бири фракциядир

Сайловларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти нақадар катталигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Унда ҳар бир фуқаро ўз тақдири, орзу-истаклари рўёбга чиқиши учун овоз беради. Шу маънода, галдаги сайлов **“Менинг танловим – обод Ватаним”** шиори остида кўтаринки руҳда ва юксак уюшқоқлик билан ўтганида ҳам улкан маъно-мазмун мужассам.

Ташкил этилганига қарийб чорак аср бўлган бугунги O‘zLiDeP эса Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасида кўп сонли аъзолар ва тарафдорларига эга бўлган, фаровон ҳаётни таъминлашда етакчи ролни ўйнайдиган халқчил партияга айлана олди. Мураккаб вазифаларни ўз зиммасига оладиган, мамлакатимиз ва халқимизнинг манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга қодир сиёсий куч сифатида ўзини яққол кўрсатди.

Электорат вакилларининг аксарияти партиямизга овоз беришида ўтган сайловолди дастуримиз 5 та йўналишни қамраб, 200 дан ортиқ аниқ вазифаларни ўз ичига олгани ва уларнинг аксарияти тўлиқ бажарилгани муҳим аҳамият касб этди.

Беш йил давомида парламентда 53 нафар депутатдан иборат таркибда фаолият кўрсатган фракциямиз аъзолари Сайловолди дастуридаги барча йўналишларга алоқадор бўлган, мақсад ва ғояларимизни амалга оширишга ҳуқуқий асос сифатида хизмат қиладиган қонунларни қабул қилишда фаол бўлишди. Хусусан, 2020-2024 йилларда парламент қуйи палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган 404 та қонуннинг ҳар бири фракциямиз депутатлари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, қўллаб-қувватланди.

Шу билан бирга, 41 та қонун лойиҳаси бевосита фракциямиз депутатлари томонидан, шундан 24 та қонун лойиҳаси бошқа фракциялар билан бирга ташаббус ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилди.

Солиқ кодексига бизнес муҳитини яхшилашга қаратилган ўзгартишлар киритиш, Фуқаролик кодексини мулк ҳуқуқига доир муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи қўшимчалар билан тўлдириш тўғрисидаги қонун лойиҳалари бевосита O‘zLiDeP депутатлари ташаббуси билан тайёрланди.

Бир сўз билан айтганда, парламентдаги фракциянинг фаол иштироки асосида қабул қилинган қонунларнинг аксарияти электорат манфаати учун хизмат қилди. Мисол учун, Божхона, Ер ва Шаҳарсозлик кодекслари тадбиркорларни рағбатлантирадиган нормалар билан бойитилди, маъмурий ва иқтисодий жавобгарлик масалалари либераллаштирилди.

Депутатларимиз уй-жой дахлсизлиги ҳамда ундан кўрилган зарарнинг қопланишини кафолатлайдиган қонун лойиҳасини такомилига етказишда ҳам ибрат бўлди. Шунингдек, “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун билан кўпчилик кутаётган ва миллионлаб оилаларга дахлдор муаммо ҳал этиладиган бўлди. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши узоқ йиллар мобайнида одамларни қийнаб келган уй-жойга эгалик борасидаги долзарб масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан ечиш асосини яратди.

Сайловчилар партиянинг асосий тиргакларидан саналган фракциянинг мана шундай ҳаракатларини юқори баҳолангани учун ҳам ўз овозини O‘zLiDePга бергани улкан ютуқнинг омилларидан яна биридир, десак янглишмаймиз.

Янги Сайловолди дастурининг янгича ташвиқоти

Энди 2024-2029 йилларга мўлжалланган янги Сайловолди дастуримизнинг электорат вакилларининг онги ва қалбига кириб борган ғоялари хусусида тўхталсак ўринли бўлади.

Келгуси беш йилнинг йўл харитаси саналган бу дастур Шавкат Мирзиёевнинг **“Барчамиз биргаликда келажакка ишонч билан интилиб, бутун диққат-эътиборимизни олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга қаратишимиз, халқимиз кутаётган, даврнинг ўзи талаб этаётган янги ғоя ва ташаббусларни илгари суришимиз лозим”** – деган улуғвор сўзларига асосланиб тайёрланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

“ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ҚУДРАТЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ!”, деган бош шиоримиз ҳам ана шу даъватга уйғунлик ва ҳамоҳангликда танланди. Сайловолди тарғиботи **“Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун”** тамойили доирасида ўтказилгани ёшу қарини баравар қизиқтира олди. Таъбир жоиз бўлса, аксарият сайловчилар партиядан айнан мана шундай ҳаракатни кутаётганини яшириб ўтиришмади.

Мазкур дастур лойиҳаси йирик бошланғич партия ташкилотлари, туман, шаҳар ва ҳудудий кенгашларимизда муҳокама қилиниб, аниқ таклифлар билан бойитилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Унда **5 муҳим йўналишдаги 500 вазифа** ўз аксини топгани сайловчиларга маъқул келгани натижалардан маълум бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга кенг татбиқ этилаётган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган барқарор иқтисодий ўсиш орқали ҳар бир инсон оила ва жамият фаровонлигига эришиш бош мақсадимиз эканига, тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун янада қулай муҳит яратиш орқали уларнинг сонини келгуси беш йилда 2 баробарга ошириш учун иш олиб боришимизга халқимиз ишонгани учун бизнинг партиямизга овоз бергани ҳам рост.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини сув хўжалиги, экология, энергетика ва бошқа соҳаларда кўпайтириш, давлат харидларининг шаффофлиги ва хусусий сектор учун қулайлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши, Ўзбекистонни инвестициялар учун янада қулай маконга айлантиришга қаратилган ҳуқуқий асослар такомиллаштирилиши электорат руҳини кўтарди.

Тадбиркорларимизнинг ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишни жадаллаштириш борасидаги ҳукуматимиз саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётгани партиямизнинг яна бир ютуғидир.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари диққат марказида бўлиши, органик маҳсулот етиштираётган фермер хўжаликлари учун солиқ имтиёзларини жорий этиш таклиф этилгани, ҳар йили камида 500 минг барқарор иш жойлари, бир миллион оила аъзосига даромадли меҳнат учун шароит яратиш, мономарказлар ва нодавлат таълим муассасалари орқали касб-ҳунарга ўқитиш кўламини беш баробарга ошириш, бир миллион фуқарони меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўргатиш назарда тутилгани сайлов пайти овозлар сезиларли равишда кўп бўлишига замин яратди.

Янгиланган Конституциямизга мувофиқ Ўзбекистоннинг “ижтимоий давлат” сифатида эълон қилинганлиги O‘zLiDeP зиммасига янада катта масъулият юклади. Ҳар бир инсоннинг, ёшларимизнинг салоҳиятини оширишга қаратилган сифатли таълим, ишончли тиббиёт ва манзилли ижтимоий ҳимояни таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта.

Тиббиёт соҳасида 2030 йилга қадар ажратиладиган йиллик маблағлар ҳажмини 2 карра ошириш, тиббий суғурта тизимини тўлақонли жорий этиш, нодавлат тиббиёт муассасалари фаолиятига рухсат бериш ва лицензиялаш тартибини соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам ўз натижасини намоён этди.

O‘zLiDeP ёшлар учун мақбул иш ўринлари яратиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, хусусан, ўз бизнесини ижарага олинган бинода бошлаётган ёшларимизга бир йиллик ижара каражатининг ярмисини қоплаб бериш, улар учун уй-жойлар қуриш ва имтиёзли ипотека тизимини кенгайтириш тарафдори эканлиги электорат сафининг кенгайишига хизмат қилди.



“Мусаффо ҳаво – 2030” миллий дастури нимани англатади?

Ана шу саволга ижобий жавоб топган сайловчи борки, бюллетенда либерал-демократлар қаторини излагани ва иккиланмасдан белги қўйгани ҳақиқат.

Зукко ота-боболаримиз кечиктириб бўлмайдиган масалалар ҳақида гап кетганда, **СУВ ВА ҲАВОДАЙ ЗАРУР,** деган иборани қўллашган. Биз ҳам яқин-яқингача доим шу таърифдан фойдаланганмиз. Аммо глобаллашув замонига келиб, тоза сув ва тоза ҳавога боғлиқ муаммолар юзага чиқиб, бу бебаҳо неъматларнинг ўзини муҳофазалаш учун жиддий ҳаракат қилиш зарур бўлиб қолди. O‘zLiDeP эса шу ўткир масалани Сайловолди дастурига киритгани электоратни жонлантирди.

Мисол учун, Ўзбекистон миқёсида атмосферага ташланадиган чиқинди газларининг ҳажми йилига 2 миллион 449 минг тоннани ташкил этаётир. Шундан 60 фоизи кўчаларни тўлдириб юрган турли-туман автомобиллар ҳиссасига тўғри келади. Энг ёмони, ушбу кўрсаткич ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда белгиланган меъёрлардан 3 баравар кўпроқ. IQAir порталининг 2024 йил 21 февраль куни тарқатган расмий маълумотига кўра, Тошкент шаҳрида ҳавонинг ифлосланиш даражаси ўн марта ошган. Эрталаб соат 09:30 да мамлакатимиз пойтахтидаги кузатув станцияси 247 AQI кўрсаткичини қайд этган. Бу эса Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳаво сифати бўйича йўриқномасидаги рақамлардан анча юқоридир.

O‘zLiDeP фаоллари ушбу йўналишдаги муаммоларни ўрганиш баробарида ифлосланиш манбаларига жиддий эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, саноат корхоналари, транспорт воситалари, қурилиш ишлари ва кўмирдан фойдаланиш ҳаво ифлосланишининг асосий манбалари ҳисобланади. Ўзбекистондаги кўплаб шаҳарларда бу манбаларнинг таъсири узоқ йиллар давомида тобора ёмонлашиб бормоқда. Боиси, бизда ҳаво сифати мониторинги учун мавжуд инфратузилмалар ва технологиялар замон талабларидан ортда қолган. Бу эса ифлосланиш даражасини аниқлаш ва унинг олдини олиш чораларини кўришда қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик мавжуд бўлса-да, унинг амалиётда бажарилишида қатор нуқсонлар бор. Ҳатто кам сонли ташаббусларнинг молиялаштирилмаслиги ёки етарли ресурслар ажратилмаслиги ифлосланишнинг давом этишига замин яратяпти. Яъни, экологик маданият ва экологик онг пастлиги муаммонинг янада кучайишига сабаб бўлаётир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳаво ифлосланишини камайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, тоза энергия манбаларини ривожлантириш мақсадида ҳаво сифатига салбий таъсир кўрсатадиган кўмир ва нефть маҳсулотларидан фойдаланишни қисқартириш, қуёш, шамол ва бошқа қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этишни рағбатлантириш лозим.

Хуллас, Ўзбекистонда “Мусаффо ҳаво – 2030” миллий дастурини қабул қилиш ва изчиллик билан амалга оширишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Партия фаолларига кўра, ифлосланиш манбаларини камайтириш ва тоза энергия манбаларини ривожлантириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш мумкин бўлади. Бу ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳам иқтисодий ривожланиш учун муҳимдир.

Бошқача айтганда, “Мусаффо ҳаво – 2030” миллий дастури Ўзбекистонда экологик барқарорлик ва аҳоли саломатлигини таъминлашга қаратилган долзарб ташаббусдир. Халқаро тажрибадан фойдаланиш орқали мамлакатда ҳаво сифати бўйича илғор стандартлар ва технологияларни жорий этиш кечиктириб бўлмайдиган масала саналади. Бунинг учун эса зарарли чиқиндиларни назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ишлаб чиқариш корхоналари ва автотранспорт воситаларининг зарарли газлари учун чегараларни аниқ белгилаш ва унга қатъий риоя этиш тартибини кучайтириш даркор. Саноат корхоналарида замонавий фильтрлаш ва қайта ишлаш технологияларини жорий қилиш орқали завод ва фабрикаларда чиқиндиларнинг миқдорини қисқартириш ҳам устувор вазифалар сирасига киради.

Электр энергиясида ҳаракатланадиган автомобиллар ва гибрид транспорт воситаларини кенгайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тарғиб қилиш керак. Айни жараённи жамоат транспорти ва велосипед йўлларини ривожлантириш орқали автомобиллар сонини камайтиришга қаратилган ҳаракатлар билан уйғунлаштириш самарадорликни ошириши шубҳасиз.

Шундагина мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш, экологик хавфсизликни таъминлаш, чиқиндиларнинг инсонлар соғлиғига зарарли таъсирини олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ҳолати сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар ўз натижасини бериши шубҳасиз.

Ишонч учун, имкон учун ташаккур

Сайлов якунларига бағишланган шарҳимиз сўнггида электоратга ана шундай тарзда миннатдорчилик билдириш бизнинг шарафли инсоний бурчимиздир. Зеро, камина ҳам анчадан буён шу партия фаоли саналади. Истиқболли ғоялар ташвиқотида мен ҳам озми-кўпми ҳисса қўшганимдан хурсандман. Демак, тарғибот тўғри йўналишда кечган. Демак, сайловчига дастурлар аҳамиятини етказишда одил ва оқил усул танлангани рост.

Эндига вазифа эса янада оғир. Спортчиларга қиёсан айтганда, чемпионлик мақомини сақлаб қолиш чемпион бўлишдан ҳам мураккаброқ. Модомики, партиянинг Сайловолди дастуридаги барча ҳаётий вазифаларни бажариш, адо этмоқ жуда катта масъулият, билим ва малака, кучли салоҳиятни талаб қилади.

Партиядошларимизни, бизга ишониб овоз берган барча сайловчиларни ушбу улкан муваффақият билан самимий қутлаган ҳолда, уларга фаровон ҳаёт йўлидаги умидлари сўнмаслиги, ишончлари оқланмоғини тилаймиз.

Демак, биз ҳамиша барча имкониятларимиз, орттирган тажрибаларимизни олдинда белгиланган мақсад ва режаларни рўёбга чиқаришга қаратамиз.

Чунки биз учун энг муҳим ҳаётбахш шиор: “Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун!”.

O‘zLiDeP эркинлик, мулк дахлсизлиги, ҳуқуқий давлат, инсон қадри ҳар нарсадан улуғ юрт тарафдори!

Озод РАЖАБОВ,
“XXI asr” шарҳловчиси

САЙЛОВ-2024

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

САЙЛОВНИ БЕВОСИТА ЁРИТИБ БОРГАН ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Маълумки, 27 октябрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўлиб ўтди. Юртимизда кечган мазкур муҳим сиёсий жараённи маҳаллий оммавий ахборот воситалари қатори хорижий давлатлардан келган кўплаб ҳамкасбларимиз ҳам кенг ёритиб борди. Энг муҳими, улар бу галги сайловлар Янги Ўзбекистоннинг янги Конституциясига мувофиқ, сайлов қонунчилигига илғор халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда киритилган, демократик тамойилларга мос тарзда шакллантирилган тизим асосида ўтказилганини эътироф этишди.



Интесар Абдулла,
“Neprass” янгиликлар электрон нашри (Саудия Арабистони) бош директори:

– Ўзбекистондаги қатор конференцияларда иштирок этганман, аммо сайлов жараёнини кузатишда илк бор қатнашдим. Мени ҳайратга солган жиҳатлардан бири электрон сайлов тизими йўлга қўйилганидир. Фуқаролар учун қулай имконият яратган ушбу янги тизим демократик давлатдаги шаффофликнинг ёрқин намунаси, деб биламан. Сайлов участкалари кўплаб давлат мактабларида ташкил этилганини кўрдим. Бу ўқув масканлари янгича, замонавий қиёфада экани кишини хурсанд қилади. Шунингдек, мен сайловгача бўлган дебатларда қатнашиб, жонли мулоқот ва муҳокамаларни кузатиш имконига эга бўлдим.

Еши Сели,
“The New Indian Express” газетаси (Ҳиндистон) сиёсий шарҳловчиси:

– Ҳиндистон ва Ўзбекистон мустаҳкам тамаддунлар оша давом этиб келаётган тарихий ва сиёсий муштарак алоқаларга эга. Халқларимиз асрлар оша сайқал топиб келаётган дўстликни доим қадрлаган. Яқинда Қозон шаҳрида бўлиб ўтган БРИКС саммити доирасида Бош вазир Нарендра Моди ва Президент Шавкат Мирзиёев самарали икки томонлама учрашув ўтказди, Ўзбекистон мазкур йирик тузилмада ҳамкор давлат мақомини олди. Таъкидлашим жоиз, сўнгги йилларда ўзаро муносабатларимиз турли муҳим соҳаларда жадал ривожланмоқда. Мен гувоҳи бўлган бу йилги сайловлар мавжуд ришталарни янада мустаҳкамлашига аминман.

Грегор Шпитцен,
“Berliner Telegraph” журнали (Германия) мухбири:

– Германия ва Ўзбекистон алоқалари охирги йилларда мисли кўрилмаган юқори босқичга кўтарилди. Бу яқин, дўстона муносабат жорий сайлов даврида ҳам яққол кўзга ташланди.

Маълумки, Ўзбекистон ўз тарихида икки бор уйғониш даврини бошдан кечирган. Бугун эса Учинчи Ренессанс бўсағасида турибди. Бу заминда тарихан давлатчилик ривожланган, илм-фан, санъат ва маданият гуллаб яшнаган.

Мамлакат 2016 йил ўз олдига улкан стратегик мақсад, яъни ҳақиқий демократия ва ривожланган парламентаризм тамойили асосида Янги Ўзбекистон бунёд этиш вазифасини қўйган.

Бу жараёнда Учинчи Ренессанс даврига қадам қўйилмоқда. Илм-фанни ривожлантириш ва замонавий технологиялар орқали кучли иқтисодий тараққиётга, халқ фаровонлигини тубдан яхшилашга эришиш мақсад қилинган. Бу борада фуқаролар конституциявий ҳуқуқини кафолатлайдиган тизимнинг қонуний асоси янада мустаҳкамланди. Жумладан, Сайлов кодексига халқаро нормалар ва ривожланган давлатларнинг демократия соҳасидаги энг яхши тажрибасига мос тамойиллар киритилгани юз берган асосий ижобий ўзгаришлардан биридир. Хуллас, жорий парламент сайловида киритилган янгиликлар иқтисодий ривожланган, демократик кучли давлат қуришда муҳим аҳамият касб этади.

Имодуддин Ҳасан Аҳмад Муҳаммад,
“Ал-Шуруқ” газетаси (Миср) бош муҳаррири:

– Ўтган йил апрель ойида Ўзбекистонда умумхалқ референдуми ўтказилиб, шу асосда янги таҳрирдаги Конституция қабул қилиниб, кучга киритилган эди. Шундан сўнг мамлакат сайлов қонунчилигига ҳам кўплаб ижобий ўзгаришлар киритилиб, Сайлов кодекси яратилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатар эканман, Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар самара бераётгани, сайловчилар фаоллиги юқори эканига гувоҳ бўлдим. Масалан, Фарғона вилоятида эътиборимни тортган жиҳат – шаҳар ва туманлардаги тозалик, озодалик, кўчалардаги тартиб, одамларнинг хушмуомалалиги, ҳамжиҳатлиги ва самимийлиги бўлди. Янги бунёд этилган масканлар, айниқса “Экошаҳар” менда илиқ таассурот қолдирди. Миср тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк аллома Аҳмад Ал-Фарғоний юртига ташриф буюрганимдан, бу замин одамлари билан суҳбатлашганимдан чексиз хурсандман.

Иброҳим Ал-Ҳодий,
“Ар-Рая” нашри (Ўмон) журналисти:

– Ўзбекистон парламенти сайловида электрон овоз бериш орқали 20 миллионга яқин киши иштирок этди. Умуман, “Менинг танловим – обод Ватаним!” шиори остида ўтган сайловда “E-saylov” ахборот тизими ишга туширилиши муҳим аҳамиятга эга. Яъни, бу тизим орқали сиёсий партиялар номзодларнинг қонунчилик талабига мослиги бўйича сайлов комиссиялари билан тезкор ишлаш имконига, фуқаролар эса зарур ахборот олишда кўплаб қулайликларга эга бўлган. Бир сўз билан айтганда, тизимнинг афзаллиги тўла намоён бўлган.


ЎзА

ДЕПУТАТЛИК САЙЛОВИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ



Пропорционал сайлов тизими бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси – 5 миллион 194 минг 41 та овоз билан 26 та депутатлик ўрни, “Миллий тикланиш” демократик партияси – 2 миллион 812 минг 493 та овоз билан 14 депутатлик ўрни, Ўзбекистон Экологик партияси – 1 миллион 960 минг 764 та овоз билан 10 та депутатлик ўрни, Халқ демократик партияси – 2 миллион 558 минг 16 та овоз билан 13 та депутатлик ўрни, “Адолат” социал-демократик партияси – 2 миллион 420 минг 857 та овоз билан 12 та депутатлик ўрнига эга бўлди.

Мажоритар тизим бўйича эса Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 38 та, “Миллий тикланиш” демократик партиясидан 15, Ўзбекистон Экологик партиясидан 6, Халқ демократик партиясидан 7, “Адолат” социал-демократик партиясидан 9 нафар депутат сайланган.



Жами ҳисобда Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 64 нафар, “Миллий тикланиш” демократик партиясидан 29 нафар, “Адолат” СДПдан жами 21 нафар, ХДПдан 20 нафар, Ўзбекистон Экологик партиясидан 16 нафар депутат сайланди.

ОГОҲЛИК

НОҚОНУНИЙ ДИНИЙ ТАЪЛИМ

ЖАМИЯТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ ВА ТИНЧЛИККА ЖИДДИЙ ХАВФДИР



Ўзбекистонда диний бағрикенглик муҳим ижтимоий ва давлат сиёсати йўналишларидан ҳисобланади. Конституциямизда диний эркинлик кафолатланиб, ҳар бир фуқаро ўз динига амал қилиш ва эътиқод қилиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган. Бу эса давлатнинг барча дин ва эътиқодларга бирдек муносабатда бўлишини таъминламоқда.

Шунингдек, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун мамлакатда турли динларнинг эркин фаолият юритишига шароит яратиб беради. Бунда ҳар бир шахс ўз эътиқодини мустақил равишда амалга ошириши мумкинлиги кафолатланади. Айниқса, диний ташкилотлар давлат билан ҳамкорликда ижтимоий жараёнларда иштирок этади.

Лекин кейинги пайтларда бу каби имконият ва шароитлардан доим ҳам ижобий фойдаланмаслик ҳолатлари кузатилаётгани кўнгилни хира қилади. Хусусан, диний таълимга кенг шароитлар яратилган бир пайтда, жамият орасида ноқонуний диний таълим орқали турли мақсадларни кўзлаб фаолият юритиш ҳолатлари ҳам, афсуски, айрим ҳудудларда учраб турибди. Албатта, диний таълим жамият маърифати ва маънавияти учун жуда муҳим. Аммо ҳар қандай таълим қонуний ва мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил этилса мақсадга мувофиқдир.

Бироқ давлатнинг қонуний меъёрларидан четга чиқиб, яъни бу фаолият ноқонуний шаклда олиб борилганда, у жамиятда турли жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Ноқонуний диний таълим – давлатнинг рухсатисиз, ноқонуний ташкил этилган мадрасалар, ёпиқ диний ташкилотлар ёки хусусий хонадонларда ўтказиладиган дарслар шаклида бўлиши мумкин. Бундай фаолият жамиятда ижтимоий адоватни кучайтириши, радикализмга йўл очиши ва давлатнинг барқарорлигига путур етказиш эҳтимоли юқори.

Ноқонуний диний таълимнинг асосий хусусиятларидан бири – унинг давлат назоратидан ташқарида, яъни таълимга оид қонунчилик талаблари ва мезонларига амал қилмаган ҳолда олиб борилишидир. Бунда таълим бериш мазмуни, усуллари ва мақсадлари давлат томонидан тан олинмаган, текширилмаган ёки мувофиқлаштирилмаган бўлиши мумкин. Ўқитилаётган маълумотлар жамият ва миллий маданиятимизга хос бўлмаган турли ёндашувлар билан бузиб талқин қилиниши ёки маълум гуруҳлар ёки шахсларнинг сиёсий манфаатларига хизмат қиладиган экстремистик мазмунга эга бўлиши мумкин.

Унинг жамият учун яна бир муҳим хавфи – ёш авлоднинг радикаллашувига сабабчи бўлиб қолишидир. Яқин Шарқ минтақасидаги кўплаб давлатларда асримиз бошларида бундай вазиятларнинг гувоҳи бўлдик ҳам. Ёшлар диний билим олишга қизиқиши ва истагида бўлганлиги сабабли, уларни бундай таълимга осонгина жалб қилиш мумкин. Бунда уларга диний билимлар номидан нотўғри ёки радикал ғоялар ўргатиш хавфи ҳам мавжуд бўлади, бу эса уларни кейинги ҳаётда жамиятга қарши ҳаракат қиладиган шахсларга айланишига олиб келиши мумкин. Бу жараён ижтимоий тартибсизликка олиб келиши ва радикал ёки экстремистик ҳаракатларнинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Узоққа бормайлик, 90-йиллардаги аччиқ тажриба бундай хавфларни эслатиб, доим огоҳ бўлишга ундаб туради.

Бундан ташқари, ноқонуний диний таълим жамиятдаги ижтимоий жараёнларга салбий таъсир кўрсатиб, унинг барқарорлигини издан чиқаради. Жамиятда диний ақидага асосланган бўлиниш пайдо бўлиши кўплаб мусулмон жамиятларидаги асосий муаммога айланиб бўлгани сир эмас. Бу бўлиниш диний таълимнинг ўрганилиши ва тушунилишидаги фарқлардан келиб чиқади. Диний таълим нотўғри талқин қилинганда ёки соҳа мутахассисларисиз ўргатилганда жамиятда муайян гуруҳлар ўртасида зиддиятлар юзага келиши мумкин.

Ноқонуний диний таълим экстремистик ва радикал гуруҳларнинг таркибига ёшларни жалб қилиши билан янада хавотирлидир. Бундай ташкилотлар учун ёшларнинг диний билими етарли даражада эмаслигидан фойдаланиш осон. Дастлаб зоҳирий тартибда тўғри бўлиб кўринувчи таълим бериш орқали уларнинг онгини ўзига қаратишади. Аммо ушбу таълимнинг аслида радикал ғояларни тарғиб қилиши кўп ҳолларда кейинчалик фош бўлади. Ёшлар бундай таълим натижасида нафақат диний радикализмга мойил бўлади, балки улар экстремистик ҳаракатларга жалб қилиниши ҳам мумкин. Бу эса жамиятдаги ижтимоий тинчлик ва хавфсизликка жиддий хавф солади. Экстремистик гуруҳлар, ўз навбатида, ёшларни нафақат ижтимоий-сиёсий тизимга қарши қўйишга, балки уларни турли жиноий фаолиятларига жалб қилишга ҳам ҳаракат қилади.

Ноқонуний диний таълим нафақат ёшлар, балки оилалар ва жамоатчиликка ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ёшларнинг радикал ғояларга берилганлиги ота-оналар ўртасида низоларни келтириб чиқаради. Бу эса оилалардаги ўзаро муносабатларнинг ёмонлашиши ва фарзандлар билан ота-оналар ўртасидаги боғлиқликнинг узилишига сабаб бўлади.

Жамоатчилик даражасида эса бундай таълим диний тафовутларнинг кучайишига сабаб бўлади. Ноқонуний таълим олган шахслар кўпинча жамоатда ўзларини алоҳида қатлам деб билади ва жамиятнинг бошқа қисми билан ўзаро ҳамкорлик қилишдан воз кечади. Оқибатда миллатлараро ва динлараро муносабатлар издан чиқади.

Ноқонуний диний таълимни назорат қилиш ва унинг салбий таъсирини камайтириш давлат ва ҳуқуқ-тартибот органларининг муҳим вазифаларидандир. Давлат томонидан қонунчиликка мувофиқ расмий таълим муассасаларига рухсат берилган бўлса-да, ноқонуний диний таълим муассасалари фаолиятига чек қўйиш доимий эътибор талаб этади. Бу жараёнда ҳуқуқ-тартибот органлари фақат жазо чораларини қўлламасдан, балки тарғибот ишларини кучайтириши ва жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик қилиш орқали фуқароларни огоҳ қилишга эришиши зарур. Шунингдек, давлат ва жамоатчилик ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик ўрнатиш, расмий диний таълимни тўғри ташкил этиш ва унинг сифатини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фарҳод КАРИМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси халқаро муносабатлар кафедраси мудири,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ ҚОН ТОМИРИ – ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗМИ?

Олтин ишлаб чиқарувчи компанияларнинг маҳсулот ҳажмини ошириш қобилияти бевосита транспорт воситаларидан унумли фойдаланиши ва уларни доимий янгилаб боришига боғлиқ. Навоий кон-металлургия комбинатида кейинги йилларда амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Хусусан, комбинат дунё миқёсидаги олтин ишлаб чиқарувчи компаниялар ичида етакчи ўринда.

– Ҳозирги кунда транспорт соҳасида 10 мингга яқин ишчи-ходим меҳнат қиляпти. 4 мингдан зиёд турли русумдаги автотранспорт воситалари ва механизмлар ишлаб чиқариш режаларини бажаришга сафарбар этилган. Комбинатда темир йўл транспортидан ташқари иккита Автомобиль транспорти бошқармаси, 17 та автокорхона ва автотранспорт таъмирлаш цехи фаолият олиб боряпти, – дейди “НКМК” АЖ Транспорт бўйича директор Рустам Эргашев. – Умумий ҳаракат таркибида 454 та оғир юк ташувчи автоағдаргичлар, 820 та йўл-қурилиш машиналари, 544 та махсус автотранспорт воситалари, 498 та автобус ва 346 та енгил хизмат автомобиллари мавжуд. Транспорт соҳаси фидойилари жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 210 миллион кубометрга яқин тоғ жинсларини ташиб, комбинатимизнинг иқтисодий равнақига муносиб ҳисса қўшди. Бу борадаги режа 105 фоизга бажарилди.

ЯНГИЛАНИШ ДАСТУРИ АМАЛДА

2024 йил бошидан буён оғир юк ташувчи ва тоғ-кон техникалари таркиби мунтазам янгилаб борилмоқда. Юк кўтариш қобилияти 220 тонна бўлган 15 та “CAT” ва юртимизга биринчи марта юк кўтариш имконияти 254 тонна бўлган “Komatsu” русумли 4 та автоағдаргичлар келтирилди. 2024 йил охиригача 220 тонна юк кўтариш имкониятига эга 13 та “CAT” русумли ҳамда 254 тонна юк кўтариш қувватига эга автоағдаргичлардан 6 тасини харид қилиш режалаштирилган.

Жорий йилда завод ва конлар, айниқса автомобиль транспорти хўжаликларида мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари барқарорлигини таъминлаш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида инвестицион лойиҳалар доирасида юк кўтариш қобилияти 55 тоннадан 225 тоннагача бўлган автоағдаргичлардан 100 тага яқин, автогрейдер, фронтал юклагич, ғилдиракли ва занжирли бульдозер каби йўл-қурилиши машиналаридан 40 тага яқин ихтисослаштирилган транспорт воситаларидан 30 та харид қилинади.

Ишлаб чиқариш жараёнида замонавий, юқори юк кўтариш қобилиятига эга автоағдаргичлардан фойдаланиш иш самарадорлигини ошириш билан бирга ҳайдовчиларга қулай иш шароитини яратади. Жумладан, юк кўтариш қуввати 220 тонна бўлган “CAT” ва “Komatsu” автоағдаргичлари замонавий борт компьютерлари билан жиҳозланган ҳамда бу автоағдаргичлардаги махсус мослама иш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган носозликлар ҳақида алоҳида белгиланган кодлар орқали тезкор маълумот тақдим этади. Бундай улкан ва замонавий транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш ишлари Автомобиль транспорти бошқармаларида тўлақонли амалга оширилмоқда.



Оғир юк ташувчи тоғ-кон техникаларини техник соз ҳолатда сақлашда уларда ишлатиладиган ёқилғи-мойлаш маҳсулотларининг сифатли бўлиши муҳим. Мазкур вазифани Марказий ва Шимолий кон бошқармалари тасарруфидаги Автомобиль транспорти бошқармаларида мавжуд ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари лабораториялари муносиб тарзда бажариб келмоқда.

ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши бевосита транспортда ташиладиган тоғ жинслари миқдорини оширмоқда. Ушбу ҳолат ўз навбатида транспорт соҳасида структуравий ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади. “НКМК” АЖ бошқармаси Транспорт департаменти таркибида учта бўлим ва бошқарма бошлиғига тўғридан-тўғри бўйсунувчи хизматни ўз ичига олган Транспорт бошқармаси ташкил этилди. Транспорт бошқармаси таркибига Темир йўл транспорти бўлими киритилиши билан бирга янги, Автотранспорт воситаларини таъмирлашни мувофиқлаштириш бўлими, Автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва ёқилғи-мойлаш материалларини мувофиқлаштириш бўлими ва Йўл ҳаракати хавфсизлигини мувофиқлаштириш хизмати ташкил этилди.

Тоғ жинсларини ташиш ва шунга боғлиқ технологик жараёнларни ўз вақтида режага мувофиқ бажаришда транспорт воситалари, йўл-қурилиш машиналари ва тоғ-кон механизмларининг техник соз ҳолатда бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ички ёнув двигателларини соз ҳолатда сақлаш, двигатель тасодифий ишдан чиқишининг олдини олиш ва хизмат муддатини узайтириш мақсадида зарурий техник хизмат кўрсатиш ва режали-профилактик таъмирлаш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш, капитал таъмирлаш ва таъмирдан сўнг синовдан ўтказиш каби комплекс ишлар амалга оширилади. Бундай катта ҳажмли ишларни бажариш ҳамда йилдан йилга ички ёнув двигателларида ҳаракатланадиган тоғ-кон техникалари сонининг ошиши комбинат раҳбарияти олдига янги структуравий бирликни, яъни ички ёнув двигателларини таъмирлаш цехини ташкил этиш вазифасини қўйган эди. Зарафшон шаҳрида ташкил этилган ушбу цехда Марказий ва Шимолий кон бошқармалари ишлаб чиқариш объектларида фойдаланилаётган транспорт воситалари, йўл-қурилиш машиналари ва тоғ-кон механизмларининг ички ёнув двигателларини капитал таъмирлаш ва режали-профилактик таъмирлаш ишлари амалга оширилиши йўлга қўйилди.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДА ҲАРАКАТЛАНАДИГАН ТРАНСПОРТ

Маълумки, юртимизда экологик хатар хавфини камайтириш мақсадида ҳукумат томонидан электрда ҳаракатланадиган транспорт воситаларини кўпайтириш рағбатлантирилмоқда. Комбинатда ҳам экологик хавфи юқори бўлган автомобиллар ўрнига замонавий гибрид автомобиллар ва электромобиллардан 40 дона, 2025 йилда 20 дона, шунингдек, электромобилларни зарядлаш қурилмаларидан 5 дона харид қилиш вазифаси белгилаб олинди.

Шу билан бирга, 2024 йил охиригача юқорида кўрсатиб ўтилган юк кўтариш қобилияти 254 тонна бўлган “Komatsu” русумли юк ташувчи автоағдаргичлардан бир нечтасини синов-тажриба тариқасида қўшимча электр қурилмалари билан жиҳозланган ҳолда “Мурунтов” конида дизель-троллейвоз сифатида фойдаланиш йўлга қўйилади. Бу, конда юк ташиш самарадорлигини анчага ошириш билан бирга ҳавога ажралиб чиқадиган зарарли газлар миқдорини камайтиради.



РАҚАМЛАШТИРИШ – РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Автомобиль транспортида иш унумдорлигини ошириш, ёқилғи сарфини камайтириш, ортиқча харажатларнинг олдини олиш, автотранспорт воситаларини назорат қилиш, енгил хизмат автотранспорт воситаларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш муҳим саналади. Шу мақсадда комбинатнинг барча автотранспорт бўлинмаларида “Auto Call-Center”, “Автомобиль назорати”, “Видеоэкран” ва “Автобуюртма” каби электрон тизимлар ташкил этилган бўлиб, мазкур тизимлар ўз самарасини бермоқда. Бундан ташқари, 1С:Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш дастурий платформасида ахборот тизимини ишга тушириш лойиҳаси амалга ошмоқда. Дастурий платформа автотранспорт воситалари ва тоғ-кон механизмларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнларини режалаштириш, омборхоналарда мавжуд эҳтиёт қисмлар, сарф материаллари, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳисобини юритиш имконини беради.

ТЕЖАМКОРЛИК – ЯРИМ БОЙЛИК

Халқимизда “Тежамкорлик – ярим бойлик” деган нақл бор. Бу, ҳар бир нарсада меъёрни билишдир. Ишлаб чиқаришда зарур бўлган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳаллий ишлаб чиқариш субъектлари билан бирга импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар параметрларини ва ўзлаштириладиган маҳсулотлар сифатини талаб даражасигача етказиш, конструкторлик ва технологик ишларни кузатиб боришда кўмаклашиш бўйича “Gidrostankoservis”, “Navoiypromlitmash”, “Vodiy energomash mexanika”, “SDK group”, “Gauch”, “Jizzax akkumulyator zavodi”, “Elmash”, “Drillflot Asia”, “Ўзэлектроаппарат”, “Carbon – polymer”, “Stalmet group service” каби тадбиркорлик ҳамда ишлаб чиқариш субъектлари билан яқин ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган.

Жорий йилда ишлаб чиқариш таннархини камайтириш ва ёқилғи мойлаш материалларидан оқилона фойдаланиш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, жами 8 минг 127 тонна дизель ёқилғиси ҳамда 68 тонна автобензин иқтисод қилиниши кўзда тутилган. Автошина ва ёқилғи мойлаш маҳсулотларидан қанчалик даражада оқилона фойдаланилаётганини таҳлил қилиш учун сарф меъёрий кўрсаткичлар зарур. Яъни ёқилғи-мойлаш маҳсулотларининг ҳар бир автотранспорт воситалари ва тоғ-кон механизмлари кесимида меъёрий сарф миқдори, автомобиль шиналарини ҳам ишлатиш меъёри ишлаб чиқилиши талаб этилади. Жамият тизимида Транспорт вазирлиги қошидаги “Транспорт илмий-тадқиқот маркази” масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда комбинат тизимида автотранспорт воситалари, йўл-қурилиш машиналари ва тоғ-кон механизмларида ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сарфи бўйича низом, “Автомобиль транспортида стандартлар” корхонаси билан ҳамкорликда объектларда ишлаётган автотранспорт воситалари, йўл-қурилиш машиналари ва механизмларда фойдаланиладиган автомобиль шиналари ва катта ўлчамли шиналарнинг эксплуатацион ҳаракатланиш масофаси бўйича меъёр амал қилиниши мажбурий бўлган ҳужжат ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, автохўжаликлардаги хизмат кўрсатиш шартномаларининг бажарилишида жавобгарликни тақсимлаш, фойдаланиб келинаётган автотранспорт воситалари, йўл-қурилиш машиналари ва механизмларининг агрегат ҳамда узелларининг ҳаракатини ҳисобга олиш, техник хизмат кўрсатиш, ташхис қўйиш ва таъмирлаш бўйича низом ва амал қилиниши мажбурий бўлган ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Ўқув марказини модернизация қилиш доирасида комбинат мутахассислари учун “Caterpillar” ва “Komatsu” ускуналарининг инновацион тизимлари, шу жумладан “CAT Product Link”, “AMT” тизимлари бўйича ўқув дастурлари ўтказилди. Келгусида симулятор учун қўшимча дастурий таъминот, яъни фронтал юклагич, грейдер, бульдозер йўл-қурилиш техникалари операторларини ўқитиш учун мўлжалланган қўшимча модуллар келтирилади. Бунинг учун алоҳида бинода янги ўқув маркази ташкил этиб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ – ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

Комбинатнинг таркибий бўлинмалари тасарруфидаги барча очиқ ва ёпиқ усулда ўзлаштирилган фойдали қазилма конларида енгил ва оғир юк автомобиллари учун йўл ҳаракати ҳамда техника хавфсизлигининг ички тартиби ва қоидаларини такомиллаштириш, шунингдек, ишчи-ходимлар малакасини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, комбинат раҳбарияти томонидан меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси шароитларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришда жароҳатланишларнинг олдини олиш бўйича йўл харитаси тасдиқланган. Унга кўра, қизил ранга бўялган, автомобиль кузовида “НКМК” акциядорлик жамиятини акс эттирувчи эмблема ва байроқлар билан жиҳозланган махсус енгил транспорт воситалари – пикаплар бириктирилди. Очиқ усулда ўзлаштирилган фойдали қазилма конларида фойдаланишга бириктирилган махсус транспортлар нур қайтарувчи махсус элементли тасмалар билан таъминланди. Йўловчи ташиш автобуслари, сервис ва таъмирлаш хизматини кўрсатадиган ёрдамчи автотранспортлардан ташқари барча транспорт воситалари конлар ҳудудида ҳаракатланиши тақиқланди. Кон технологик йўллардаги нур қайтарувчи йўл белгилари янгиланиб, зарур бўлган технологик йўл ҳудудларига қўшимча ўрнатилди. Конларда фойдаланиб келинаётган автотранспорт воситалари видеокузатув мосламалари билан жиҳозланмоқда.

БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА...

Бугун Қизилқум саҳроси бағрида, Нурота тоғ тизмалари атрофида янги конлар очилиб, уларда замонавий транспорт воситалари ҳаракатланмоқда. Йўловчилар манфаатини кўзлаб олиб борилаётган ўзгаришлар уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Беминнат хизматлари билан комбинат ривожига муносиб ҳисса қўшаётган соҳа ходимлари бундан кейин ҳам бор имкониятлари, куч-ғайрати, билим ва тажрибаларини олдиларида турган вазифаларни ўз вақтида бажариш йўлида сафарбар этадилар.

Азамат ЗАРИПОВ,
журналист

ЯХШИЛАР ЁДИ

ҚЎШРАБОТДА *бир муаллим бор эди...*

Ўлим бордир – тириклик юксалишда доим ҳушёрдир,
Тирикларга тирикликдан жабру ситам лек бисёрдир.
Қаро тупроққа кирмоқдан энди мен не учун қўрқай –
Қаро ернинг тагида сен каби бир яхши дўст бордир.

Усмон АЗИМ

Дўсти йўқ одамлардан қўрқиш керак. Бу оддий ҳақиқат эканлигини энди-энди англаяпман. Орамизда шундайларам йўқ эмас, афсуски, борлиги учун айтяпман. Нечтасини биламан. Улар учун икки дунё бир, на оқибатни ўйлайди, на-да охиратни. Куни ўтса, иши битса бўлди, ошиғи олчи, эртага қайрилиб кетаверади. Худбинлик, ёлғон, алдов қон қонигача сингиб кетган уларнинг.



Сизни билмайман, лекин бугун мен олтмишинчи довондан ошган бўлсам-да, бу дунёда нечта дўстим қолганини билмайман. Бор эди, афсус, улар орасида топганларимдан кўра йўқотганларим кўпроқ. Улардан бири...

Икки ҳафтача бурун Қўшработдан қўнғироқ бўлди. Овози зўрға эшитилади: “Норқобил ака, сизмисиз, узр-а, эслаймизми, мен...” Жимлик. Бир машваратда эдим. Атрофимда шовқин-суронлиги учун эшитилмаяпти деб ўйладим. Ҳалиги аёл пиқиллаб йиғлаётгани учун гапиролмаётган эди. “Алло, мен Меҳринисоман, Шодиёр жўрангизнинг...” Энди менинг овозим чиқмай қолди. Нафасим етмади. Секин даврадан чиқиб, намланган кипригимни артиб, зўрға, яхшимисиз, болалар, неваралар омонми, дея олдим. У бўлса овози титраб-титраб, “Шукр, ака, Мусулмон ака, Ҳалим акаларам яхшима, э, нимасини айтасиз, ҳамма бойлик, хайр-барака, меҳр-оқибат жўрангиз билан қўшилиб кетганакан” деди...

Мен эса шу лаҳзада бу муштипар аёлгинани нима деб кўнглини кўтармоққа ожиз эдим. “Узр-а, сизни безовта қилган бўлсам, келингизлар Кесовлига янгамлар билан, узилиб кетмайлик” дея Меҳринисо шоша-пиша хайрлашди...

Беш йил бўлди юрагимнинг бир парчаси узилиб кетганига ёронлар! Йўқ, рости, мен, сизга ёлғон, Аллоҳга чин, Худонинг бермиш куни дуоларимда энг қадрдонларим қаторида олов ёшлик маҳалим пойтахтда топганим Шодиёрни йўқлайман. Уни Мусулмон Намоз билан сўнгги йўлга кузатиб келган кунимиздан бери жондай дўстимизнинг қувончдан кўра кўпроқ ташвишли телефон қўнғироқлари, таълим соҳасидаги муаммолар ҳақида куйиниб айтган аламли изтироблари... ҳамма-ҳаммаси ёдимизда. Лекин ҳаёт деганлари бизнинг эмас, ўзининг ўзанига юрғизар экан-да одамни. Вақти-бемаҳал унинг ойласи, яқинларини йўқлай олмадик. Баҳоналаримиз бисёр.

Бугун эса умрининг энг сўнгги нафасигача Қўшработ туманидаги 35-мактабда она тили ва адабиёт фанидан ўқувчиларга сабоқ берган Шодиёр Тўраевни армон билан эслаётганимнинг сабаби битта: ахир, бундан тўрт-беш йилгина аввал Самарқанд вилоятининг барча мактаб ўқитувчиларига Қўшработ туманидаги оддий бир қишлоқда яшаб, ижод қилиб юрган маҳали республика таълим маркази (РТМ) илмий-методик кенгаши (ИМК) аъзоси, эксперти ва Ўзбек тили доимий анжумани иштирокчиси, 8-синф она тили дарслиги расмий тақризчиси ҳамда республика матбуотида таълимга оид энг долзарб муаммоларни ёритган муаллиф сифатида танилган инсонни шу соҳанинг вакиллари йўқлаётганмикан?! Нега биз кечагина ёнгинамизда фарзандларимиз бошини силаб, туну кун елиб-югуриб, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаб юрган фидойи бир муаллимнинг унутилмас номи-ю, бебаҳо хизматини жуда тез эсдан чиқариб юбордик? Шуми энди инсон қадри, шуми одамгарчилик?! Нега биз бу даражада яхшилик, эзгуликка йўғрилган савоб ишларни унутадиган элмиз, айтинглар!

Айтишларича, кейинги ўн йилликларда Қўшработ туманидан энг юқори балл олиб турли олий ўқув юртларига ўқишга кирган талабалар орасида Шодиёр Тўраевнинг шогирдлари кам эмас экан. Демак, унинг иккинчи умри давом этаётир!

Бугун эса қиёматли дўстимиз хотирасига бағишлаб ёзилган мақолалардан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этмоқни лозим топдик.

“ЭНДИ БИЗНИ КИМ ЎҚИТАДИ?”

“Шодиёр билан тўн кийишмаган бўлсак-да, Талабалар шаҳарчасининг қаттиқ нонини бирга татиган, сирдош-синашта жўра эдик.

1980 йили ТошДУ(ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)да абитуриент маҳалимиз танишдик. Унинг омади чопиб талаба бўлди, камина эса мандатдан “йиқилиб”, отамнинг ёнига – далага қайтдим...

Орадан икки йил ўтгач, бошим неча бир ғаддор девору баланд устунларга урилиб-урилиб, боз пойтахтга қайтиб келдим. Шодиёр билан кўришдик. У ўша пайтда охирги курсни тамомлаётганди. Имкони бўлса, аспирантурада қолмоқчи эканлигини айтганида роса қувондим. Вақти ҳар қанча зиқ эса-да, мендан айрилмади, уч-тўрт кун ҳангома қилдик, охири университетнинг сиртқи бўлимига ҳужжатларимни топширтирди.

Ёзнинг чилласида диплом олгач, бир куни кечқурун дардини ёрди: “Ошна, роса ўйлаб кўрдим, мен Қўшработга қайтмасам бўлмайди, биласиз, кўпчиликмиз, ука-сингилларим ҳали ёш, уларниям ўқитиш, уйлаш-жойлаш керак. Отам Тошкентда қолишимга қаршимас, лекин онамни кўндириш оғирроқ. Қишлоқни нони – ўзимники, аспирантурада ўқиш бўлса қочмас”.


Хуллас, у кейинам ўзича ул-бул нарса “қоралаб” юрди, аммо аксар ижодкорларнинг бошига тушган прописка, бола-чақа, уй-рўзғор ташвиши сабабми, катта шаҳардан узилиб кетди.

...1999 йил эди, телевидениеда ишлардим. Суҳбат орасида шоир Ориф Тўхташ айтиб қолди: “Шодиёр деган жўрангиз салом айтди, бизнинг қишлоқда пахса ураётган экан шериклари билан, мактабни ташлаб кетибди, билим-савияси жудаям баланд-ку, бундай саводли муаллимлар шаҳри азимдаям топилмайди, ака”...

Бу кутилмаган хабар юрагимга ўн олти ботмон юкдек тушди, гўё. Олтмиш икки томиримнинг нечтаси узилиб кетди, билмайман. Кўнглимнинг бир четида “Йўқ, Шодиёр мактабсиз, ўқувчиларисиз яшолмайди, тирикчилик ташвишлари ўткинчи” деган умид учқунлари сўнмаганди. Шундай бўлдиям, бир гал Тошкентга – курсдошлари билан учрашувга келганида кўришдик. “Наилож, ўқитувчи халқининг меҳнати қадрсизланганидан кейин мактабдан кетишга мажбур бўлдим. Аммо бирор кун мутолаасиз яшаганим йўқ, кундузи лойҳандақда тиним билмай ишлайман, кечаси билан яна китоб, газета-журнал титкилайман, чидаб юрибман, барибир мактабни соғиндим, ошна, қайтмасам, ўлиб қоламан”.

Ниҳоят, 2003 йили Қўшработ туманидаги 35-мактабда она тили ва адабиёт фанидан ўқувчиларга сабоқ бера бошлаганини эшитиб, чинакамига севиндим. Энг қизиғи, кейинги 13 йил орасида биз – пойтахтдаги қадрдонлари қишлоқнинг, оиласининг кундалик ташвишларига кўмилиб қолди, деб юрганимиз Шодиёр Тўраев кутилмаганда бутунлай ўзгариб кетди. Гоҳи “Маърифат”да, гоҳида эса “Оила ва жамият” газеталари ё “Бошланғич таълим” ва бошқа журналларда унинг олий ўқув юртларига кирувчилар учун давлат тест маркази томонидан тайёрланган тест саволларидаги ғалати чалкашликлар, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун давлатнинг беҳисоб маблағлари эвазига қайта-қайта нашр этилаётган она тили ва адабиёт фанлари бўйича дарсликлардаги қўпол хатоликлар, тил ва лотин алифбоси атрофида юзага келган мураккабликлар, шунингдек, таълим-тарбия тизимидаги муаммолар ошкора очиб ташланган ўткир мақолалари мунтазам босиларди. Ҳатто унинг айрим чиқишлари нуфузли танловларда ғолибликка муносиб кўрилди, таълим йўналиши бўйича олиб борган изланишлари Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда туман халқ таълими томонидан тақдирланди.

...2019 йил 21 февралнинг рутубатли ҳавоси юракни эзарди. Қабристондан ортга маҳзун, эзгин хаёллар билан қайтаётганимизда ҳамқишлоқларидан бирининг айтган ушбу сўзларини эшитиб, кўзларим ёшга тўлди: “Кеча муаллимнинг дунёдан ўтганини 8 синфда ўқийдиган қизим эшитиб ҳўнграб йиғлаб юборди: “Дадажон, кечагина Шодиёр устоз кундалигимга иккита “беш” қўйганди, энди ким бизни ўқитади?!”.



Норқобил ЖАЛИЛ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ УЧУН ЯШАБ ЎТДИ

Шодиёр билан талабалик даврларимиз бирга ўтди. Лекин уни илк бор учратиб, танишган кунимни эслай олмайман. Назаримда, бир умр билгандай, болаликдан бирга катта бўлгандай эдик. Гаплари маънили, салмоқли, характери вазмин йигит эди. Бироқ недир гап ё ҳаракат қаттиқ таъсир қилса, ўша ички шиддат уйғониб, уни таниб бўлмай қоларди. Кўзларидан ўт чақнар, қадамлари илдам, қўл ҳаракатлари кескин, сўзлари кескир бўларди.

Ўйламасдан гапирмасликка ҳаракат қиларди. Айтган фикрини, албатта, исботи билан келтирарди. Ҳатто, зарурати бўлмаса ҳам. Унинг бу қилиғи, рости, баъзида менга оғир ботади. “Э, дўстим, исботлаш шарт эмас, мен, ахир, Сизга ишонаман, ҳатто, нотўғри айтсангиз ҳам барибир, Сиз тарафда бўламан!” дейман. У эса менга чағир кўзлари билан қаттиқ тикилиб: “Сиз бу фикрнинг исботини билишингиз шарт”, дейди. Кейин озгина ўйланиб: “Дўстга дўст бўлгани учунгина эмас, тўғри гапни айтгани учун ҳам ишониш бошқача бўлади”, дейди.

Бугунлар ўйласам, талабалик давримиз Шодиёр билан нуқул адабиёт ҳақида, бадиий асарларнинг яхши-ёмон жиҳатлари тўғрисида гурунг қилар эканмиз. Баҳсу мунозараларимиз ҳам шу мавзуда кечар экан. Шодиёр бирон китоб ё шов-шув бўлган мақола ўқиса, аввал шу борада бошқаларнинг фикрини эшитарди. Кейингина гўёки масалага охирги нуқтани қўйгандай салобат билан “Дўстим, масаланинг мағзи буёқда”, деб ган бошларди.

Яхшигина қаламкор эди. Ҳикоялар ёзарди. Ўйлаб топилган қаҳрамоннинг эмас, ўзининг ички дардларини битган битта ҳикояси жуда зўр чиқди. Ўзи ҳам, биз дўстлари ҳам бу ҳикоядан анча вақт ҳаяжонланиб юрдик. Шундан кейин яна битта ҳикоя ёзиб келди. Ўқитди. “Ўйлаб топилган одамнинг ўйлаб топилган ҳис-туйғулари акс этибди, Сиз ўзингизни ёзинг, чунки ҳозирча ёшмиз, ҳаётий тажрибамиз кам, бизнинг энг яхши биладиган мавзуимиз ўзимиз”, дедим унга.

Шодиёр менга бироз синовчан тикилиб турди. Кейин айтдики, “Дўстим, наҳотки Сиз ҳалигача мени яхши билмайсиз?! Мен ўзимнинг дардларимни достон қилиб яшаш учун келмаганман дунёга! Дардларим меники, ўзимники. Мен, ёзувчи бошқаларнинг дардини қаламга олиши керак, деб ҳисоблайман!”. Шахснинг бундай ички ишончига қарши бориш мумкин эмас. Шу боис мен ҳам бу борадаги гапларимни бас қилдим. Лекин Шодиёр шундан кейин бошқа ҳикоя ёзмади. Балким, ёзган бўлса ҳам, менга кўрсатмади. Ўйлашимча, у ўзи яхши билмаган мавзуда ёзиш, гапириш қийинлигини жуда тез англаб етган эди.

Шодиёр ўқишни битириб, қишлоғига қайтиб кетганида ҳарбийда эдим. Уйланиш тўйига ҳам боролмадим. Олис Сибир ўрмонларидаги қарағай тагида ўтириб мактуб битдим, тўйнинг тафсилотларини, келиннинг кимлигини ёзиб юборишини сўрадим. Икки энликкина жавоб олдим. Мазмуни шуки, тўй оддийгина, қишлоқча ўтди, одамлар еди, ичди, масза қилди, мен эса давранинг тўрида эртанги куним қандай ўтади, дея ўйланиб ўтирдим. Келин бола ҳақидаги сўровимга “Менинг хотиним кимлигини ўзим билсам етади, бошқаларга буни билишнинг зарурати йўқ”, деб қисқа жавоб айтибди.

Кейин катта ҳаёт бошланди. Ҳар бировимиз ўз ташвишларимизга кўмилиб, аввалига ойда-йилда, кейин учтўрт йилда бир кўришадиган бўлдик. Билганим, Шодиёр жуда қийналиб яшади. Унинг кўнглида, ақлида адабиёт орзуси яшарди, ўзи эса мактабдаги маош камлик қилгани учун мардикорликка чиқиб кетди. Болалик дўстлари билан биргалашиб, лой тепиб, пахса урди, хари кўтариб, том ёпди, қирдан ер ўзлаштириб, узум экди. Табиийки, бу юмушлар билан рўзғор тебратса бўлади, лекин кўнгилдаги орзуни рўёбга чиқаришга имкон қолдирмайди у. Бугунлар ўйлашимча, жисман толиққан одам бадиий адабиёт мутолаасидан дам олиши мумкин, лекин ижод қилишга янги куч қолмайди.


Ўша қийинчилик йилларида бир тўй баҳона Қўшработга бордим. Содда, тўпори, дангалчи қишлоқ одамлари даврасида кўнглим яйради. Эртаси ҳув нарида савлат тўкиб турган Оқтовга жўнадик. Айни баҳор палласи эди. Далалардан асал ҳиди уфурарди. “О, асал ҳавони тўйиб сипқордим” (Абдували Қутбиддин сатри), дея шеър ўқишдик. Томдай улкан мармар харсанг тагида олов ёқиб, кабоб пиширдик. Шодиёрнинг дўстлари хизмат қилиб турди. Биз эса шеър базми, адабиёт базмини давом эттирдик.

Шодиёрнинг фикрлари жуда тиниқ эди. Турмуш уринишлари исканжасида кўнгил дағаллашмаган, аксинча, мулойим тортиб, бироз донишмандлик касб қилгандай туюлди. Гап орасида, дўстим, энди илмни, ижодни қайта бошламайсизми, дея сўрадим. Кўнгил ярасига тегиб кетганимни сездим. Шодиёр бир зум кабоб қўра ёнида уймалашаётган дўстларига боқиб турди-да, “Бу ерда ижод қилиш жуда қийин, одам ташвишдан ортмайди, Тошкентга эса кетолмайман”, деди. Кейин аста қўшиб қўйди: “У ёқда куним ўтмай қолади!”.

Турмуш уринишлари бир маррага етишиб, ўғиллари ёнига кириб қолгач, Шодиёр ота ҳовлини укаларига ташлаб, ўзига алоҳида бошпана қурди. Мактабга қайтди. Қўшимчасига эллик-олтмиш болага репетиторлик қилди. Шу аснода ўзбек тили ва адабиётидан дарсликларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар масаласини яхши ўрганди. Бу ҳақда аввалига даврараримизда гапириб юрган бўлса, кейинчалик улар ҳақида кўпдан-кўп мақолалар ёзди. Ўқитувчилар даврасида танилди.

Ижодга қайтибсиз-да, дедим ўшандаги учрашувлардан бирида. “Бу ижод эмас-ку, лекин шунга яқин бир нарса, деб умид қиламан”, деди Шодиёр.

Мен унга боқиб туриб, қорин қайғуси билан эмас, миллат келажаги ҳақида ўйланиб юрганлиги, шунинг йўлида қўлидан келганча ишлаётгани учун ўзидан жуда мамнунлигини сездим. Одам ўзини топса, қора қозонида сув қайнаса ҳам кўнгилга бахт ин қуришини тушундим...



Мусулмон НАМОЗ,
адабиётшунос

ҚЎЛИДА “САВОДХОНЛИК КАЛИТИ” БОР ЭДИ...

Шодиёр Тўраев деганда Беҳбудий бобомиз орзу қилган, миллат болаларини комил инсонлар қилиб тарбиялашга умрини бахшида этган ва бу йўлда ҳар қандай қийинчиликни кўзга илмайдиган жонкуяр, ўз навбатида камтарин ва самимий муаллим сиймоси кўз ўнгимда гавдаланади.

Биз у билан таълим-тарбия муаммолари бўйича мунтазам фикр алмашиб турардик. Ўзи ҳам бинойидек қалам тебратарди. Шодиёр ака ҳар бир мақоласида, хоҳ дарсликдаги, хоҳ тестлардаги камчиликлар бўлсин, хоҳ ўқитувчилар малакаси бўйича муаммолар бўлсин, фикрларини асослаб ёзарди.

Юқори синфларга дарс берганлиги учун бир мақоласида ўқувчилар саводхонлиги илк мактаб ёшидан бошланиши кераклиги, бунда, аввало, муаллимнинг ўзи саводли бўлиши зарурлиги ҳақида қисқача баён этганди. Шу боис журналдаги фаолиятим сабаб муштарийларимиз – муаллимлар учун бешинчи синфга болалар қай даражада тайёр бўлиб ўтишлари зарурлиги, мавжуд ҳолат, муаммо ва камчиликлар, кўриладиган чора-тадбирлар хусусида мақола ёзиб беришини сўрадим.

Тажрибали устоз бу мавзуда фикри тўпланиб қолганлигини айтиб, таклифимни қабул қилди ва узоқ кутгирмай “Саводхонлик калити” саралаҳали методик материалини таҳририятга юборди.

У ортиқча сўз ишлатмасди, таҳрирсиз чоп этдик. Баъзи фикрларини эслагим келди: *“Саводхонлик деганда, кўпчиликнинг назарида, имло қоидаларига риоя қилган ҳолда ёзма нутқни шакллантириш – тўғри, бехато ёзиш тушунилади. Бу тўлиқ тасаввур эмас, албатта. Саводхонлик, биринчи навбатда, ўқий олишдир. Бошланғич синфлар кесимида ўқувчи ёши ва индивидуал хусусиятлари инобатга олиниб ишлаб чиқилган ўқиш тезлиги меъёрларига жавоб бера олмаган боланинг саводхонлиги ҳақида бирор нарса дейиш қийин... Ўқувчи қайсидир сўзни тўғри ўқий олмаса, тўғри ёза олиши ҳам даргумон. Бундан кўринадики, саводхонлик кўпчилик назаридаги тўғри ёзиш кўникмасидангина эмас, балки тўғри ўқиш ва ёзиш бирлигидан иборат муҳим босқичдир”.*

Шодиёр Тўраев шу каби фикрлар билангина кифояланмайди. “Мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб, ҳамкасбларимга ўқувчи саводхонлигига эришишга ёрдам берувчи тўрт босқичли усулни тавсия этаман”, дея “Хатонинг олдини олиш”, “Хатони тузатиш”, “Қўшимча дарс” ва “Амалиёт”дан иборат ўзи яратган методикани журналхонларга ҳавола этди.

Унинг бу методикасидан бугун муаллимлар фойдаланмоқдалар.

Вафотидан икки ҳафта аввал ўзи ҳам дарслик ва қўлланмалар ёзаётганини ва яна бир олам режаларини жўшиб-жўшиб айтиб кетганди... Охирати обод бўлсин.

Йигирма беш йилдан буён муаллимлар билан мунтазам ишлаб келаётган журналист сифатида Шодиёр ака каби донишманд, вазмин, ўз касбининг устаси, шу билан бирга куйди-пишди зиёли муаллимларимиз кўпайишини орзу қиламан.



Ҳалим САИДОВ,
ЎзЖОКУ
ўқитувчиси, филология фанлари доктори, профессор

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA XXI asr

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Дилшод ШОУМАРОВ, Сирожиддин САЙИЙИД, Акшагул ТУЛЕГЕНОВА, Нодир ЖУМАЕВ, Шуҳрат АСЛОНОВ, Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@umail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 1045
Адади: 5153
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 19:20

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА